

**Фойдаланилган адабиётлар
РЎЙХАТИ**

- I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.
- II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Мажхамасининг қарорлари.
- III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари
- IV. Асосий адабиётлар
- V. Кўшимча адабиётлар
- VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва хисоботлар
- VII. Интернет сайtlари

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати боблар бўйича келтирилади ва ундаги келтирилган манбалар бобдан бобга ўтишда кетма-кетлигини йўқотмаган ҳолда рақамланади.

Адабиётлар қўидаги тарзда расмийлаштирилади:

Норматив-хукукий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 феврал 2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривоклантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги № ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2017 года № УП-4954 О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления дорожным хозяйством.

Дарслик ва ўкув қўлланмалар:

Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2010. 604-б.

Илмий журналлардаги мақолалар:

Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизмати / / Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 57-58.

Интернет сайтлари қўидаги тартибда келтирилади:

<http://www.autotrans.uz/ru/> (Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ БАЖАРИШ,
ТАЙЁРЛАШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА**

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА



**JIZZAX POLITEXNIKA
INSTITUTI**

Услубий кўрсатма “Интеллектуал транспорт тизимлари” магистратура мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун магистрлик диссертациясини бажариш, тайёрлаш ва расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган.

Услубий кўрсатма “Логистика ва сервис” кафедрасининг 2019 йил “16 Январ” даги 20-сонли йигилишида мухокама килинган ва маъкулланган.

“Логистика ва сервис”
кафедраси мудири

 PhD. С. Джиянбоев


Услубий кўрсатма Жizzah политехника институти “Сервис” факультети Кенгашининг 2019 йил “20 Январ” даги 21-сонли йигилишида мухокама килинган ва маъкулланган.


“Сервис”
факультети декани

п.ф.д. Ж. Ҳамидов

Услубий кўрсатма Жizzah политехника институти илмий-услубий Кенгашининг “16 Январ” 2019 йилдаги 6-сонли мажлисида кўриб чиенинган ва пайдагачасия этилган.

Жizzah политехника институти
илмий-услубий кенгашини
тузувчи:
доц. Ф. Эгамназаров
п.ф.н. доц. С. Усманов

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Узбекистон Республикаси Автомобил транспорти агентлиги Жizzah филиали бош мутахассиси И. Қўшбоков
2. Жizzah политехника институти
“Логистика ва сервис” кафедраси доценти
т.ф.н. М. Рахматуллаев



МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР.....	4
1.1. Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилмаси.....	4
1.2. Кириш кисми ва унинг мазмуни	4
1.3. Магистрлик диссертациясининг асосий кисми	5
1.4. Магистрлик диссертациясини расмийлаштириш.....	6
1.5. Магистрлик диссертациясини химоя килиш	7
II. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА	10
2.1. Магистрлик диссертация мавзусини танлаш.....	10
2.2. Адабиётлар билан ишлаш графигини шакллантириш.....	10
2.3. Мавзу бўйича адабиётларни ўрганиш	11
2.4. Илмий раҳбар билан биргаликда илмий иш календарь иш режасини тузиш.....	11
2.4. Илмий макола ва тезислар чоп этиш	12
2.5. Магистрлик диссертацияни мухокама килиш	13
2.6. Тил даражаси бўйича сертификат олиш.....	14
Фойдаланилган адабиётлар	15
ИЛОВАЛАР	16

КИРИШ

Мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги конуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 марта гариб билан тасдиқланган “Магистратура тўғрисида НИЗОМ” асосида ишлаб чикилди.

I. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИННИГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ МАЗМУНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1.1. Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилмени

Магистрлик диссертацияси қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак:

- титул варак;
- икки тилда (ўқитиш тили ва инглиз тилида) магистрлик диссертациясининг кисқача аннотацияси;
- мундарижа;
- кириш (2-4%);
- адабиётлар шархи (15-20%);
- асосий қисм (70-80%);
- хулоса (5-6%);
- адабиётлар рўйхати;
- иловалар (мавжуд бўлса).

1.2. Кириш қисми ва унинг мазмунни

Кириш қўйидагиларни кисқача ўз ичига олиши лозим:

- магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги;
- тадқикот обьекти ва предмети;
- тадқикот мақсади ва вазифалари;
- илмий янгилиги;
- тадқикотнинг асосий масалалари ва фаразлари;
- тадқикот мавзуси бўйича адабиётлар шархи (тахлили);
- тадқикотда қўлланилган методиканинг тавсифи;
- тадқикот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;
- тадқикот мавзуси бўйича магистратура талабаси томонидан нашр этирилган мақола ёки тезислар.

1.3. Магистрлик диссертациясининг асосий қисми

Магистрлик диссертациясининг асосий қисми камидан иборат бўлиб, боблар ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши ва қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- тадқикот мавзусига тааллукли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқикотлар натижаларининг танқидий тахлили;
- тадқикот методикаси ва ишнинг амалий қисми баёни;
- тадқикот олиб борилган масалани ҳал этишда магистратура талабасининг шахсий ҳиссаси кўрсатилган ҳолда тадқикотнинг асосий натижалари баёни.

Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмida барча бобларда кайд этилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, шунингдек илмий тадқикот муаммосини ҳал этиш бўйича хулосалар ёритилади. Хулоса қисми 4 саҳифадан ошмаслиги керак.

Магистрлик диссертациясига унинг мазмунини баён этиш учун бевосита зарур бўлган қўшимча маълумотларни ўз ичига олган материаллар илова қилиниши мумкин. Илова қисмининг ҳажми магистрлик диссертацияси умумий ҳажмининг учдан бир қисмидан ошмаслиги лозим.

Магистрлик диссертацияси устида ишлаётган магистратура талабаси касб одоб-ахлоқи қоидаларига риоя этиши (плагиат, маълумотларни сохталашибириш, шунингдек ёлғон цитаталар келтиришга йўл қўймаслик) лозим.

1.4. Магистрлик диссертациясини расмийлаштириш

Диссертация матни стандарт варакда ёзилган бўлиб, унда қўйидаги қоидаларга риоя этилган бўлиши лозим:

- каторлар оралиғи – 1,5 белгили;
- юқори ва пастки ҳошия 2 см, сатр боши: чап томондан 3 см, ўнг томондан 2 см;
- хатбошилар орасидаги оралиқ – 5 ёки 6 белгили.
- Магистрлик диссертацияси матнини Microsoft Word матнли редакторида Times New Roman шрифтида (14 кегль) ёзиш тавсия этилади.

Магистрлик диссертациясининг хажми титул варак, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 70 сахифагача бўлиши тавсия этилади.

Магистрлик диссертацияси магистратура талабаси ўқиган тилда (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ чет тилида) тайёрланади. Чет тилида тайёрланган магистрлик диссертациясига давлат тилида ёзилган аннотация илова этилади. Бундай магистрлик диссертацияларининг дастлабки ва расмий ҳимоялари таржима билан ўтказилади.

Магистратура мутахассислиги хусусияти хисобга олинган ҳолда магистрлик диссертацияси таркибий қисмларининг мазмуни ва ҳажми факультет кенгашининг қарори билан ўзгартирилиши ва кўпайтирилиши мумкин.

11. Олий таълим муассасалари томонидан магистрлик диссертациялари веб сайtlар орқали эълон қилинади ва соҳа вакилларига яқиндан таниширилади.

1.5. Магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш

Магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) иштирокида кафедра томонидан тузилган комиссияда ташкил этилади.

Дастлабки ҳимояга бошка кафедралардан, шунингдек бошка ташкилотлардан мутахассислар тақлиф этилиши мумкин.

Илмий маслаҳатчи тайинланган ҳолда дастлабки ҳимояга қадар ундан магистрлик диссертациясига хулоса ҳамда плагиатга текширилганлик бўйича маълумотнома олиш ҳам талаб этилади.

Дастлабки ҳимояга қадар магистратура талабаси ички ва ташки ҳамда илмий раҳбар тақризларига, шунингдек диссертация мавзусига доир камида 2 та илмий мақола ёки тезисга эга бўлиши керак.

Дастлабки ҳимоя якунлари кафедралар йиғилиши баённомаси билан расмийлаштирилади.

Ички ва ташки тақризчиларни олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси тавсия этади ва уларнинг рўйхати ўкув ишлар бўйича проректор (директор ўринbosари) томонидан тасдиқланади.

Тақризчининг вазифаларига қўйидагилар киради:

- магистрлик диссертациясининг долзарбилиги, илмий янгилиги ва тугалланганилиги тўғрисида хулоса тақдим этиш;
- дастлабки ҳимоядан камида 3 кун олдин тақриз тақдим этиш;
- касб одоб-ахлоқи қоидаларининг бузилиши ҳолатлари (плагиат, маълумотларни сохталашибириш, ёлғон цитата келтириш ва бошқалар) аникланган тақдирда, уларни тақриза кўрсатиш.

Магистрлик диссертацияси белгиланган талабларга мос келмаган ҳолатларда, магистратура талабаси томонидан касб одоб-ахлоқи қоидалари (плагиат, маълумотларни сохталашибириш, ёлғон цитата келтириш ва бошқалар) бузилганлиги аникланган тақдирда, шунингдек ушбу ҳолатларни кисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаганда тақризчи магистрлик

диссертациясини химояга кўйиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса беради.

Магистрлик диссертациясини расмий химоя қилиш куни олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруги билан тасдиқланган жадвал асосида белгиланади.

Магистрлик диссертациясининг расмий химояси олий таълим муассасасининг Давлат якуний аттестация комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан ўтказилади.

Магистратура талабаси магистрлик диссертациясининг расмий химояси тақдимот материаллари билан баён этилиши ва 20 дакикадан ошмаслиги лозим.

Расмий химояда Комиссия аъзолари магистратура талабасини кўйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

- магистрлик диссертацияси тадқикот мавзусининг долзарбигини ва унинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бера олиши;
- магистратура талабасининг тадқикотга ва вазифаларни ҳал этишига мустақил ёндашуви;
- фойдаланилган илмий адабиётлар, илмий нашрлар, норматив-хукукий хужжатлар, статистик маълумотлар, шунингдек хорижий тиллардаги адабиётлар танқидий таҳлилиниң тўликлиги ва чукурлиги;
- тадқикот усуслари амалиётда кўлланилганлигининг асосланганлиги;
- олинган натижалар асосида ишлаб чикилган тавсияларнинг амалий аҳамияти;
- магистратура талабасининг магистрлик диссертацияси доирасида ўтказилган тадқикотлар ва олинган натижаларни ривожлантириш истиқболларини кўра билиши кобилияти;
- магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий қисмларидаги ўзаро мантикий боғлиқликни кузата билиш малакаси.

«Кониқарсиз» баҳо кўйилганда ёки магистрлик диссертацияси расмий химояга кўйилмаган тақдирда магистратура талабаси кейинги 5 йил давомида уни бир марта қайта химоя қилиш хукукига эга.

Ўкув режада белгиланган фанлардан, ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётлардан етарли рейтинг балини тўплаган, аммо магистрлик диссертациясини химоя килмаган талабаларга мутахассислиги бўйича таълим олганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

Магистрлик диссертациялари расмий химояси натижалари олий таълим муассасаси Кенгашида мухокама этилади.

Химоя килинган магистрлик диссертациялари олий таълим муассасасида 3 йил давомида сакланади.

II. МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯ ЁЗИШ БҮЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

2.1. Магистрик диссертация мавзусини танлаш

Магистрик диссертация мавзулари олий таълим муассасаси (ОТМ) олимлари, PhD ва DSclar томонидан шакллантирилгач, ОТМ Илмий-услубий кенгашида мухокама килиниб тасдиқланади ва мазкур олий таълим муассасасининг маълумотлар базасига илмий ишнинг моҳияти акс этган кискача аннотация билан киритилади. Талаба мутахассислиги бўйича такдим килинаётган мавзулар билан танишиш имкониятига эга бўлиб, улардан бирини танлашлаши керак. Мавзуларнинг тақорланишига йўл кўймаслик мақсадида маълумотлар базасида танланган мавзу сайтда белгиланган чизилган ҳолда кўрсатилади. Мавзу танлаган талаба ОТМнинг илмий бўлимидан илмий раҳбар ва кафедра хакида маълумот олади.

2.2. Адабиётлар билан ишлаш графигини шакллантириш

Магистратура талабаларига ҳар хафтада 36 академик соат ажратилган бўлиб, ундан 20 соат маҳсус фанларни ўзлаштириш ва 16 соат диссертация устида ишлаш учун режалаштирилган. Мазкур 16 соат назарий, амалий ва экспериментал тадқикотларни миллий ва ҳалкаро манбалар оркали ўрганишга ўйналтирилган. Талаба ОТМ ахборот ресурс марказида рўйхатдан ўтгач, очилган “шахсий кабинет”ларига фойдаланилган ва тўпланган адабиётларни жойлаб боришади. Талаба адабиётлар билан ишлаш давомида маълумотларнинг қуидаги жиҳатларига эътибор қартиши керак:

Маълумотларнинг замонавийлиги – назария ва тушунчалар ўзгаришини инобатга олиб, маълумотлар бугунги илм-фан ютукларига мос келиши ҳамда амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши лозим.

Маълумотларнинг ишончли манбаларга асосланганлиги – Интернетда илмий салоҳиятга эга бўлмаган ва тажрибада синалмаган маълумотларнинг мавжудлиги боис уларнинг муаллифини ва манба қайси нашриётга тегишли эканлигини аниклаш зарур.

Маълумотларнинг объективлиги – кўпгина веб-сайт ва маълумот базаларида тижорат ва мафкуравий масалаларга ургу берилиб, объективлик четлаб ўтилади. Талаба маълумотларнинг объектив бўлишига эътибор қартиши жоиз.

Маълумотларнинг аниқлилиги – аниқ ва ишончли манбалар асосида фойдаланилган адабиётлар рўйхати шакллантирилади.

2.3. Мавзу бўйича адабиётларни ўрганиш

Магистрант тадқикот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлилида ўз илмий карашини куйидагича аниклаштириши лозим:

- 1)тадқикот мавзусининг долзарблиги;
- 2)мақсад ва вазифалари;
- 3)объекти ва предмети;
- 4)илмий янгилиги.

Тадқикот ишини ёзиш жараёни долзарб мавзуни танлаш, ишнинг мундарижасини тузиш, изланишлар олиб бориш, эслатмаларни ёзib бориш каби босқичлардан иборат. Илмий ишни ёзаётганда тадқикотчи барча босқичларнинг тўғри шакллантирилганлигига амин бўлиши лозим.

2.4. Илмий раҳбар билан биргаликда илмий иш календарь иш режасининг тузиш

Магистратура талабасининг фаолияти устидан доимий мониторинг олиб борилади ва ўз вақтида магистрик диссертациясини сифатли тайёрлаш мақсадида календарь иш режаси тузилади. Талаба фаолияти устидан мониторинг қуидаги кўрсаткичлар асосида олиб борилади:

- 1) талабанинг календарь иш режасида кўрсатилган вазифаларни белгиланган муддатларда бажарилиши;
- 2) иккита илмий макола, республика ёки ҳалкаро миқёсдаги илмий конференцияда иккитадан кам бўлмаган тезис чоп этганлиги;

3) илмий семинар, конференция ва симпозиумларда иштирок этганлиги;

4) магистрлик диссертацияни якунлаш, апробациядан ўтказиш ва химоя килиш.

Хар бир талаба илмий тадқикот мавзусини танлагандан сўнг илмий раҳбари билан ишлаш режасини тузади. Иш режасининг жадвали вақтни тўғри ташкиллаштириш, бошқариш ва унга риоя қилишда талабага ёрдам беради.

Илмий раҳбар қуидаги ишларни амалга оширади:

1) тадқикот мавзуси доирасида юзага келиши мумкин бўлган масалалар бўйича тизимли равиша ёрдам беради, маслаҳатлар жадвалини тузади;

2) тадқикот усусларини танлашда ва уларни кўллашда талабага кўмаклашади;

3) талабанинг белгиланган календарь иш режаси бўйича ишларнинг бажарилишини ва диссертация ўз вақтида тайёрланишини назорат қилади;

4) магистрлик диссертацияга хулоса беради;

5) ишнинг бошидан якуний боскичигача назорат қилади;

6) иш бўйича илмий-инновацион ишланмани тижоратлаштиришга доир таклиф беради.

2.4. Илмий мақола ва тезислар чоп этиш

Илмий тадқикот натижаларини янада кенгроқ илмий жамоатчиликка танитиш ва кўрсатиш учун унда илгари сурилган ғояларни мақола ва тезис шаклида нашр этиш лозим. Мақолаларни қабул қилишда тахририят беш асосий мезонга асосланади:

1) мақолада мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги;

2) ёзиш услубининг сифати (яъни аниқ, содда, осон ва мантикий);

3) татбиқ этилган тадқикотнинг самарали ва кенг камровлилиги;

4) адабиётларнинг ўрганилганлик даражаси;

5) мақола мавзусига тааллукли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили.

2.5. Магистрлик диссертацияни мухокама қилиш

Талаба МДни тайёрлашда кафедрага биритирилади ва шу кафедра томонидан илмий иш жараёни кузатиб борилади. Кафедра мажбуриятларига куйидагилар киради:

1)талаба томонидан тузилган календарь иш режасининг бажарилиш ҳолатини назорат қилиш;

2)илмий мақолалар мухокамаси, таҳрири ва уларни нашрга тавсия қилиш ишларини ташкиллаштириш;

3)амалга оширилган ишлар бўйича йилига икки марта талаба хисботини тинглаш;

4)диссертация бобларини химоя қилиш жараёнини тизимлаштириш ва илмий ишга танқидий ёндашув мухитини яратиш;

5)илмий ишнинг тижоратлаштириш хусусиятларини амалиётда татбиқ этиш. Бунда электрон лугатлар, полиграфик лугатлар, чет тилни ўқитиш бўйича оригинал методик ишланмалар, бадиий таржималар ва қонунчиликка зид бўлмаган барча турдаги маҳсулотларни инобатта олиш бўйича маслаҳатлар бериш;

6)тадқикот мавзуси бўйича аникланган терминлар ва ўрганилган адабиётлар шархи (таҳлили)ни “шахсий кабинет”га жойлаштирилишини назорат қилиш;

7)илмий ишнинг шаффоғлигини, сифатини таъминлаш ва талабанинг илмий нутқини синовдан ўтказиш мақсадида химояга чиқишдан олдин апрель ойининг иккинчи ярмида бўлиб ўтадиган маҳсус анъанавий конференцияда талаба ўз илмий иши юзасидан маъруза қилади. Конференцияда талабалар, докторантлар ва илмий раҳбарлар иштирок этади.

2.6. Тил даражаси бўйича сертификат олиш

Хар бир магистратура талабаси диссертациянинг расмий химоя жараёнигача ўзи ўрганаётган тил бўйича В2 даражасини белгиловчи сертификат олиши тавсия килинади.

Хар бир магистратура талабаси диссертациянинг расмий химоя жараёнигача ўзи ўрганаётган тил бўйича В2 даражасини белгиловчи сертификат олиши тавсия килинади.

Ноёндеги бўйича сертификат олиши талабаси магистратура талабаси олишига таъсир килинади. Бўйича сертификат олишига таъсир килинади.

Бўйича сертификат олишига таъсир килинади. Бўйича сертификат олишига таъсир килинади.

Бўйича сертификат олишига таъсир килинади. Бўйича сертификат олишига таъсир килинади.

Бўйича сертификат олишига таъсир килинади. Бўйича сертификат олишига таъсир килинади.

Бўйича сертификат олишига таъсир килинади. Бўйича сертификат олишига таъсир килинади.

Бўйича сертификат олишига таъсир килинади. Бўйича сертификат олишига таъсир килинади.

Бўйича сертификат олишига таъсир килинади. Бўйича сертификат олишига таъсир килинади.

Бўйича сертификат олишига таъсир килинади. Бўйича сертификат олишига таъсир килинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 марта даги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2015 йил 2 марта даги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 36-сон қарори.
3. Магистратура тўғрисида НИЗОМ. Вазирлар Мажкамасининг 2015 йил 2 марта даги 36-сон қарорига ИЛОВА.
4. Сайдов А.А. Магистрлик диссертациясини ёзиш бўйича услугий кўрсатма. Тошкент - 2010 й. 18 бет.

Таржима	Маркази	Маркази
Борчалингизни таъсир килинадиган	Борчалингизни таъсир килинадиган	Борчалингизни таъсир килинадиган
Борчалингизни таъсир килинадиган	Борчалингизни таъсир килинадиган	Борчалингизни таъсир килинадиган
Борчалингизни таъсир килинадиган	Борчалингизни таъсир килинадиган	Борчалингизни таъсир килинадиган

ИЛОВАЛАР

Илова -1

Хар бир ишнинг таъсирини олдилик макорига ишлаб чирадиганда
ишилдириб келинганинига «Насоний бўйича» нотозиди Ўзбекистон
Ўзбекистон Республикаси
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ҳоли 2105 шифонынжади қадига ўзимийт нотозиди № 5
ноз-даги шифоҳа таъсирини олдилик макорига ишлаб чирадиганда
(олий таълим муассасаси номи)

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
магистратура бўлими бошлиги
20 йил « »

(магистратура талабаси Ф.И.О.)
мутахассислиги бўйича
20__ – 20__ ўкув йиллари учун

МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАСИННИГ КАЛЕНДАРЬ ИШ РЕЖАСИ

Магистратура талабасининг ушбу календарь иш режаси
кафедрасининг 20__ йил « » даги йигилишида мухокама килинган.

Кафедра мудири:

(Ф.И.О.) (имзо)

Режа билан ташнидим:

Магистратура талабаси

(Ф.И.О.) (имзо)

Илмий раҳбар:

(Ф.И.О.) (имзо)

I. Магистратура талабасининг ўкув методик, илмий тадқиқот, педагогик амалиёт бўйича календарь иш режаси

1. Ўкув методик ишлар

T/р	Тадбирлар номи	Бажарини муддати	Натижалар: бажарилини бўйича белгилар
1.			
2.			

2. Илмий тадқиқот ишлари

T/р	Тадбирлар номи	Бажарини муддати	Натижалар: бажарилини бўйича белгилар
1.			
2.			

3. Илмий педагогик ишлари

T/р	Тадбирлар номи	Бажарини муддати	Натижалар: бажарилини бўйича белгилар
-----	----------------	---------------------	---------------------------------------------

4. Педагогик амалиёт			
T/р	Тадбирлар номи	Бажарини муддати	Натижалар: бажарилини бўйича белгилар
1.			
2.			

II. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш бўйича календарь режа

T/р	Ишини бажарини босқичлари иш асосий тадбирларнинг мазмуни	Бажарини муддати	Натижалар: бажарилниши бўйича белгилар
1. Тадқиқотни ўтказишга тайёргарлик			
1.			
2.			
2. Илмий тадқиқот ишларини режалаштириш			
1.			
2.			
3. Тадқиқотни амалга ошириш: материалларни йигитни ва таҳлил қилиш (ёки тажриба синонумларни ўтказиш)			
1.			
2.			
4. Илмий тадқиқот ишлари натижаларини расмийлантириш			
1.			
2.			
5. Магистрлик диссертациясини ҳимоянга тақдим этиш			
1.			
2.			

«НАМУНА»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Факультет _____
Кафедра _____
Ўкув иили _____
Магистратура талабаси _____
Илмий раҳбар _____
Мутахассислиги _____

МАГИСТРИЛКИ ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

- мавзунинг долзарблиги;
- ишнинг мақсади ва вазифалари;
- тадқиқот обьекти ва предмети;
- тадқиқот услубияти ва услублари;
- тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси;
- тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи;
- иш тузилиши ва таркиби;
- бажарилган ишнинг асосий натижалари;
- хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.

Илмий раҳбар _____
(имзо)

Магистратура талабаси _____
(имзо)

«НАМУНА»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Кўйл ёзма ҳуқуқида
УДК

АЗИЗОВ САРДОР ТЕМУРОВИЧ

**Ҳайдовчисиз автотранспорт воситалари
ҳаракати хавсизлигини такомиллаштириш**

**5АЗ10604 - Автомобиллар ва автомобил
хўжалиги**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
т.ф.и. Жиянибоев А.**

Жиззах политехника институти “Логистика ва сервис” кафедраси томонидан тайёрланган “Интеллектуал транспорт тизимлари” магистратура мутахассислиги бўйича тальим олаётган талабалар учун магистрлик диссертациясини бажариш, тайёрлаш ва расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун мўлжаллланган

Услубий кўрсатмасига

ТАКРИЗ

Мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Автомобиль транспортини бошкариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадибирлари” тўғрисидаги ПК №3589-сонли карорида белгиланган усутур вазифалардан келиб чишиб, соҳала замонавий интеллектуал илғор кадрларни тайёрлашда муайян хизмат килади. Автотранспорт хўжаликларини модернизация килиш замонавий талаб даражасидаги илғор ахборот коммуникация технологиялари ва интеллектуал транспорт тизимларини жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ушбу долзарб вазифаларни инобатга олиб, автомобил транспорти хавфсизлигини таъминлаш чоралари, ягона электрон платформали бошкарув тизимини амалиёта жорий этиш вазифаларини ўз ичига оладиган кадрларни тайёрлаш имкониятини яратиш имконияти туғилади.

Автомобил транспортида энг аввало транспорт хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш хамда халкаро мебўрлар талабларидан келиб чишиб, малакасини ошириш учун кулай шароитлар яратишида ушбу услугубий кўрсатмадан магистрантлар фойдаланиши максадга мувофиқидир.

Ушбу жихатларни инобатга олиб, “Интеллектуал транспорт тизимлари” магистратура мутахассислиги бўйича тальим олаётган талабалар учун магистрлик диссертациясини бажариш, тайёрлаш ва расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун мўлжаллланган услубий мазмунни талкикот ишларини амалиёта жорий этишини тўла акс эттиради хамда услубий кўрсатмани ўкув жараёнига тавсия этиш мумкин деб хисобланйман.

Жиззах политехника институти
“Логистика ва сервис” BO‘LIMI
кафедраси доценти



т.ф.н. М. Рахматуллаев

**Жиззах политехника институти “Логистика ва сервис” кафедраси
томонидан тайёрланган “Интеллектуал транспорт тизимлари”
магистратура мутахассислиги бўйича тальим олаётган талабалар учун
магистрлик диссертациясини бажариш, тайёрлаш ва расмийлаштириш
ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган**

Услубий кўрсатмасига

ТАКРИЗ

Сўнгти йилларда республика иктисадиёти ва ахолисига автотранспорт хизмати кўрсатиши яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини инобатга олиб, Жиззах вилоятида юк ва йўловчи ташин жараёнларини янада ривожлантириш ва ташувлар хавфизлизигини тальминлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Автомобил транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, истиқболли ахборот-коммуникацион технологияларини ва инновацион ёндошувларни кенг кўллашни тизимини амалиёта жорий этишини талаб этади.

Ушбу долзарб вазифалар хамда талаблардан келиб чикиб, “Интеллектуал транспорт тизимлари” магистратура мутахассислиги бўйича тальим олаётган талабалар учун магистрлик диссертациясини бажариш, тайёрлаш ва расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган услубий кўрсатма амалий жихатдан янги халкаро нормалардан келиб чикиб, соҳага илмий-текширув, лойиха-конструкторлик, замонавий технологияларни кўллашга амалий ёрдам беради.

Мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикасининг “Тальим тўғрисида”ги конуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 2 мартағи 36-сон карори билан тасдиқланган “Магистратура тўғрисида НИЗОМ” асосида ишлаб чиқилган бўлиб, иш берувчиларнинг талаблари асосида замонавий илмий тадқикот ишларини бажаришга мўлжалланган.

Ушбу жиҳатларни инобатга олиб, “Интеллектуал транспорт тизимлари” магистратура мутахассислиги бўйича тальим олаётган талабалар учун магистрлик диссертациясини бажариш, тайёрлаш ва расмийлаштириш ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган услубий мазмунни тадқикот ишларини амалиёта жорий этишини тўла акс этириди хамда услубий кўрсатмани ўкув жараёнига тавсия этиш мумкин деб хисоблайман.

**Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги
Жиззах вилоят ҳудудий
бошкармаси етакчи мутахассиси:**



И.Кўшбоков